КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 162 (8402). ● 28 август, 1984 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

ЯДРОСИЗ ЗОНАЛАРГА ДОИР ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МУРОЖААТНОМАСИГА ЖАВОБИ

1984 йилнинг апрелида Манчестер шаҳрида (Англия) ядросиз зоналарга доир биринчи халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Конференцияда Англия, Голландия, Ирландия, Италия, Испания, ГФР шунингдек АҚШ, Япония ва Янги Зеландия маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари (муниципалитетлари)нинг 200 дан кўпроқ вакили иштирок этди. Ана шу конференцияда қабул қилинган қарорларда унинг қатнашчилари ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун, ядро уруши чиқиши хавфига қарши курашда куч-ғайратларни активлаштиришни ёқлаб чиқдилар. Конференция ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини чеклаш ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган таъсирчан восита сифатида ядросиз зоналар вужудга келтиришни қўллаб-қувватлаш ҳаракатини кенгайтириш керак деган фикрни билдирди.

Конференциянинг секретари бўлган Манчестер шаҳрининг мэри Ж. Хезерингтон КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко номига мактуб билан мурожаат этиб, мазкур проблемалар хусусида Совет Иттифоқининг қарашларини баён этиб беришни илтимос қилди. Ядро қуролига эга бўлган ёки ўз территориясида шундай қурол жойлаштирилган барча давлатларнинг раҳбарларига ҳам худди шундай мактублар йўлланди.

Қуйида ўртоқ К. У. Черненко жавобининг тексти эълон қилинади.

* * *

Муҳтарам секретарь жаноблари!

Муниципалитетларнинг ядросиз зоналарга доир биринчи халқаро конференцияси ва унда қабул қилинган ҳужжатлар ядро уруши хавфидан бутун дунёдаги кишиларнинг ҳавотирлиги, иснонятни ядро қиргини хавф-хатаридан халос этиш юзасидан ғоят қатъий ва шошилинч чоралар кўрилиши зарурлигини тушиниш ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозир бир қанча мамлакатларнинг муниципал органлари ҳам ушбу масала билан шуғулланаётганликлари — шонли ва умидбахш фактдир. Оддий инсонларнинг тинчликка бўлган ҳоҳиш-иродаси, энг хатарли қуроллар билан қуролланиш пойгасини жиловлаш муддаоси ўз мамлакатларининг гражданларини ядро ҳалокати хавфига қўникишга мажбур этишни истаётган ҳукуматларнинг сиёсатига қарамай жуда зўр тарзда намоён бўлмоқда.

Совет Иттифоқининг сиёсати ҳаракатингизнинг олижаноб муддаоларига батамом ҳамоҳангдир. СССР ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммасига бир томонлама тартибда мажбурият олди. Шуни ҳам эслатиб ўтаманки, биз бундай қуролни ишлаб чиқаришдан ва сотиб олишдан воз кечаётган ҳамда ўз территориясида бундай қуролга эга бўлмаган давлатларга қарши ядро қуролини ишлатмаймиз.

Ядро қуролига эга бўлган бошқа мамлакатлар СССРдан ўрнак олганлари тақдирда вазият қанчалик юмшашини, давлатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкамланишини тасаввур этиш қийин эмас.

Совет Иттифоқи ядро қуролини батамом тугатишга қадар уни тубдан чеклаш ва қисқартириш йўли билан умуман ядро уруши хавфини бартараф этишга доир конкрет тадбирлар программасини олга сурди.

Ядросиз зоналарни вужудга келтириш — хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашнинг муҳим йўналишидир. Бундай зоналар — хомхаёл эмас. Бу йўналишдаги куч-ғайратлар ҳозирдаёқ баъзи натижаларни берди. Бу куч-ғайратларни барча йўналишларда кўпайтира бориб, ер юзини ядро чечагидан қадам-бақадам халос этиш керак.

Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга жумладан Шимолий Европада ва Болқон ярим оролида ядросиз зоналар вужудга келтирилишининг, Марказий Европадаги тегишли зонадан ядро қуроли жанг майдони йўқотилишининг, умуман ўртача олисликка учириладиган ва тактик ядро қуролидан Европани халос қилишнинг қатъий тарафдоридир.

Ядро уруши хавфини жиловлаш учун курашда ҳар бир ҳисса салмоқли ва муҳимдир. Турли мамлакатлар муниципал органлари сарфлаётган куч-ғайратларни бирлаштирган ҳаракатингизга муваффақият тилайман.

Ҳурмат билан

К. ЧЕРНЕНКО.

ПАХТАЗОР-МАРДЛАР МАЙДОНИ

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШИЛМОҚДА

ОҚҚЎРҒОН районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари 1984 йилда 1582 гектар майдонда пахта етиштиришмоқда. Уларнинг бу йилги марралари ҳам улкан. Ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, давлатга 6500 тонна «оқ олтин» етказиб беришмоқчи.

— Колхозимиз деҳқонлари далаларда зиммадаги мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун бутун имкониятларни ишга солмоқдалар,— дейди колхоз раиси А. Ҳолиқов.— Шу мақсадда биринчи галда ҳар туп ғўзани вегетация даврининг охиригача тўла сақлаб, мўл ҳосил тўплашга эришишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозир ҳар гектар ерда 115—120 минг тупдан кўчат бор. Уларнинг ҳар бирида 10—12 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Мақсадимиз ҳосил тугунчаларини 15—16 тага етказишдир.

Ҳақиқатан ҳам хўжаликнинг қайси бригадасида бўлманг, заршунослларнинг фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўрасиз. Дала ишлари, айниқса, Баҳром Эргашев, Ҳусан Абдувалиев, Илаш Муродов сингари тажрибали пахтакорлар етакчилик қилаётган бригадаларида намунали ташкил этилмоқда. Бу коллективларнинг деҳқонлари юбилей йилида ҳосилдорликни гектар бошига 45—50 центнерга етказиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Август деҳқон тили билан айтганда ҳосилга-ҳосил қўшиладиган, етиладиган палла. Шунинг учун ҳам колхоз механизаторлари ва сувчилари ўзгача ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Чунки, ҳозир ғўзанинг таги қанчалик чуқур ва сифатли юмшатилса, қониб сув ичса, ҳосил салмоқли бўлади. Раимжон Абдураҳмонов, Шокир Арслонов, Набижон Турғунов, Неъмат Раҳматуллаев сингари механизаторлар ғўза қатор ораларига олтинчи бор ишлов беришмоқда. Нишон Бойқўзиев, Баҳром Сулаймонов ва Бозорбой Пардабоев каби уста сувчилар бошчилик қилаётган группалар куну-тун экинни сувга қондирмоқдалар.

Умуман, бу колхозда ғўза парвариши бир дам сусайтирилмаяпти, улар парваришни пахта пишиб етилгунча давом эттиришмоқчи. Ана шу ниятда далаларда 26 механизатор, 160 сувчи ва 500 дан ортиқ пахтакор астойдил меҳнат қиляпти.

П. ЭРГАШЕВ.

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛ ЯНВАРЬ—ИЮЛЬ ОЙЛАРИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	103,3	96,6	102,0
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,3	103,1	101,5
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот—миллион сўмлик	49,0	4,7	65,4
Маҳсулот реализацияси бўйича планни бажармаган корхоналар сони	52	11	59
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	12,6	17,5	19,8
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши—процент ҳисобида	100,9	108,8	97,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиш проценти	101,2	97,4	102,1
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	102,4	88,8	104,0
Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони	76	16	54
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	18,4	25,8	18,1
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш—минг тонна	9,1	0,9	181,3
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	95,3	67,0	101,5
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш—миллион погон метр	110,7	—	1293,3
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	88,0	—	100,6
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш (барча категориядаги хўжаликларда пландан ташқари харид қилингани ҳам ҳисобга киради) йиллик планининг бажарилиш проценти			
Чорва ва парранда	62,1	61,0	64
Сут	59,5	54,0	64
Тухум	58,5	48,8	60
1984 йил январь—июлида колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги			
Чорва ва парранда асосий турларини сўйиш учун топширганда	29,7	11,9	40,8
1984 йил январь—июлида 1983 йил январь—июлидагига нисбатан процент ҳисобида	97	94	114
Ялпи соғиб олинган сут (аҳолидан шартнома асосида тўплангани ҳам ҳисобга киради) 1984 йил январь—июлида 1983 йил январь—июлидагига нисбатан процент ҳисобида	107	82	104
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 1984 йил январь—июлида 1983 йил январь июлидагига нисбатан процент ҳисобида	96	81	104
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори 1984 йил январь—июлида 1983 йил январь - июлидагига нисбатан процент ҳисобида	100	88	105
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани			
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши — процент ҳисобида	93	88	91
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши — процент ҳисобида	92	90	96
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш (йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)	55	58	53
САВДО			
Давлат ва кооператив савдо (умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради) товар оборати планининг бажарилиши—процент ҳисобида	99,8	99,6	98,5
Шу жумладан чакана тармоқ товар оборати	99,6	99,8	97,5
Умумий овқатланиш товар оборати	101,5	101,0	97,8
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Жами маиший хизмат кўрсатиш планининг бажарилиши — процент ҳисобида	97,3	98,1	100,4
Шу жумладан шаҳарларда	96,6	99,3	100,3
Қишлоқларда	99,9	97,6	100,8

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

Америка маъмурияти тарқиб топган кучлар нисбатини бузиш, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлардан воз кечмаяпти. Шу мақсадда АҚШда ҳужум қуролларининг, шу жумладан олисга учириладиган ҳамда осмон, денгиз ва ер базаларида жойлаштириладиган қанотли ракеталарнинг янги турлари ва типлари жадаллик билан яратилмоқда.

Совет Иттифоқи янги хатарли йўналишдаги қуролланиш пойгасининг олдини олишга интилиб, Америка Қўшма Штатларига олисга учириладиган қанотли ракеталарни тақиқлаш тўғрисида аҳдлашиб олишни бир неча марта таклиф этди. Бироқ, Америка маъмурияти бу таклифни қабул қилмади. Бу маъмурият Совет Иттифоқи АҚШда шу турдаги қанотли ракеталар пайдо бўлишини оқибатсиз қолдирмайди, деган огоҳлантиришларга ҳам қулоқ солмади. АҚШ олисга учириладиган қанотли ракеталарни кўплаб жойлаштиришга киришди, шу жумладан 1983 йилнинг декабридан бошлаб, Ғарбий Европадаги баъзи мамлакатларда ердаги базаларга шундай ракеталарни жойлаштирмоқда.

Совет Иттифоқи ўз хавфсизлигини, Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, тегишли чоралар кўрди. Ҳозирги вақтда СССРда олисга учириладиган ва ердаги базаларда жойлаштириладиган қанотли ракеталар муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда.

Совет Иттифоқи қуролларга реал чекланиши ва қисқартирилишига эришиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади. Бироқ АҚШ маъмурияти ишни ҳарбий устунликка эришиш сари давом эттираберган тақдирда Совет Иттифоқи СССР билан АҚШ ўртасидаги, Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасидаги кучлар мувозанати бузилмаслиги учун бундан буён ҳам жавоб чоралари кўришга мажбур бўлади.

САМАРАЛИ ПАХТА ПОДБОРШЧИГИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Т. Ўрозбоев номидаги иншоотлар механикаси ва зилзила бардошлиги институтининг коллективи механик подборщик ишлаётганида тўкилган пахтани теради ган қурилма яратди. Бу тажриба синовдан яхши ўтди. Механизм эгатга мосланиб, зич ётиши ҳисобига самарадорлик кескин ошди. Қурилма эластик материалдан ясалган ва тишлари бўлган ғалтакдан иборатдир. Янгилик ишлаб чиқаришга тўла жорий этилса, ундан олинадиган самара йилига 165 минг сўмликдан ортади.

ЎзТАГ.

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

БРИГАДА РАҲБАРИ

ТУШ пайтида бригаданинг дала шийпони гавжумлашиб кетди. Зум ўтмай ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба авжига чиқди. Радиодан янграган рақсга чорловчи шўх куй оҳанги шаддод қизларнинг завқини келтирди, барчаси давра қуриб, куйга монанд қарсак чала бошлади. Бу сафар ҳам ўртага биринчи бўлиб Туймагул тушди. У давра айланиб, нозли имо-ишоралар билан бригадирнинг рўпарасида тўхтади-да, уни рақсга таклиф қилди.

«Оббо, қизи тушмагур-ей, умримда қўл кўтармаганимни билади-ю, яна...» Ўроқбой ака ўнғайсизланиб, ортга тисланди. Бироқ, қизлар бараварига чувиллашиб унга ёпишишди: «Ахир область мукофоти лауреати бўлганингизда пахтамиз очилганда ўйнаб бераман, деб ваъда берган эдингиз-ку. Мана, бугун пахталаримиз намунага очила бошлади. Ҳозиргина ўзингиз барака топиб келдингиз, наҳотки энди ҳам ўйнамасангиз».

Қизлар ҳақ гапни айтишган эди. Ўроқбой ака бир зум иккиланиб турди-да, сўнгра қўлларини кенг ёйиб, ўйинга тушиб кетди. Даврани уч-тўрт бор айлангач, қизларни рақсга тортди. Сўнгра четга ўтиб, ариқ устига қурилган сўрига чўккан, бир лаҳза хаёлга толди. Қалбида турли кечинмалар ғалаёни бошланди. Едига болалиқ йиллари тушди.

...Отасига урушдан қайтиш насиб қилмади. Бу фожиа замиридаги даҳшатни у ақлини таниб олгандан сўнггина тушуниб етди. Энди ҳеч қачон ота дийдорига тўя олмаслиги важидан тўғилган армон ёш қалбида бир тугун бўлиб қолди. Яхши ҳамки, меҳнат бор экан, киши ўз кўнглини иш билан овутса бўларкан. Ёшгина Ўроқбой колхозда аравакаш бўлиб ишлай бошлади. У эрта тонгда колхозчиларни аравада далага олиб борар, кечқурун яна олиб қайтар, тушлик пайтлари эса сув тўлдирилган бочкаларни шийпонга етказиб берарди. Ўроқбойнинг ўз ишини ҳалол бажараётганлиги бригада бошлиғининг эътиборини тортди. Раис билан маслаҳатлашиб, уни механизаторлар тайёрлов курсига ўқишга юборишга қарор қилишди.

Ўроқбой ҳамқишлоқлари ишончини оқлади. Курсни тугатиб келгач колхозда механизаторлик қилди, ҳисобчи бўлиб ишлади. Сўнгги йигирма икки йил давомида эса 6-бригадага раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Ўроқбой ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги билан ҳурматимизни қозонганлардан,— дейди у ҳақда колхоз раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Сандраҳим Саймоқов.— Колхозчиларимизга, айниқса, унинг камтарлиги ёқади. Бир куни у ҳузуримга келиб, «Ўртоқ раис ,биласиз, ёшлигимдан далада ўсганман, ернинг тилини бироз биламан, лекин, бугунга келиб назаримда билимим етишмаяпти. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳасига оид бирорта ўқишга кириб ўқисам дегандим» деб қолди. Бажонудил ёрдам бердик. У 1968 йили қишлоқ хўжалиги техникумини сиртдан тугатди. Ҳар ҳолда ишнинг кўзини билган экан, энди у пахта илмини ҳар томонлама пухта эгаллаб олган. Бундан ташқари Киров қишлоқ Советининг депутати сифатида ҳам кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Ҳалол меҳнатлари билан элга танилган Ўроқбой ака Оқилбоев ўзига билдирилган ишончни катта мукофот деб билади. Шу боисдан ҳам бригада аъзолари билан ҳамкорликда ҳар йили мўлкўл ҳосил етиштириш учун жой қуйиради. Жумладан, ўтган йили ҳам 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай ялпи ҳосилнинг 95 проценти машиналар ёрдамида терилди. Бригада аҳлининг пудрат усулида иш юритаётганлиги ана шу муваффақиятларнинг бош омили бўлди. Эндиликда колхозда уларнинг издошлари кўплаб топилади. Ҳозирги кунда барча бригадалар пудрат усулида ишлашга ўтган.

Ўроқбой ака раҳбарлик қилаётган коллектив шу кунларда ғўза парваришида илғорликни қўлдан беришмаётир. Е. Товбаев, Ғ. Турдонбоев, Т. Алибоев, И. Умаров сингари сувчилар пайкалларга сўнгги бор сув тарамоқдалар. Б. Ўтибоева, Г. Адибоева, А. Товбаева, Д. Тиленчиева, Т. Омонтоева каби қиз-жувонлар эса пайкалларнинг батамом бегона ўтдан тоза бўлиши учун курашмоқдалар. Бу ишларнинг барчаси бир-бирига боғланган ҳолда олиб бориляпти. Натижада пайкалларда 50 центнерлик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпланмоқда.

— Ҳозиргача ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 8—9 тадан кўсак бўлишига эришдик,— дейди Ўроқбой ака. Бу ўринда бизга С. Саймоқов бошлиқ мусобақадош бригада пахтакорлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар тез-тез бригадамиз далаларига келиб, йўл қўйилган камчиликларни аниқладилар, фойдали маслаҳатларини аямадилар. Айни кунларда биз мусобақадошларимиз билан ҳамкорликда йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш тадбирларини белгилаб олдик. Куни-кеча ўтказилган ўзаро текширишда ҳар икки бригадада ҳам техника мавсумга пухта шайлаб қўйилганлиги маълум бўлди.

Ҳосил тақдири ҳал бўладиган масъулиятли дамлар яқинлашиб қолди. Буни қалбдан ҳис этган Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг область «Оқ олтин» мукофотининг лауреати Ўроқбой Оқилбоев раҳбарлигидаги бригадаси коллективи ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар.

Г. ЮЛДОШЕВА.



КАНОП ЎРИМИ ҚИЗҒИН

Охунбобоев номли колхознинг Маҳкам Туробқулов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари Ўрта Чирчиқ районида биринчилардан бўлиб каноп ўримини бошлаб берган эдилар. Шу кеча кундузда мавжуд 46 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 240 центнердан «кўк олтин» ҳосили йиғиштириб олиш учун ўрим-йиғим ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ушбу фотолавҳаларда ана шу меҳнат жараёни ўз ифодасини топган:

1. Бригада аъзоларидан Шуҳрат Аширалиев ва Абдумутал Аҳмедовлар машина ёрдамида каноп пўстлоғини ажратиб олмоқдалар.

2. Механизатор Абдумажид Оқбоев ўрим агрегатини унумли ишлатиб, кунлик нормасини 1,5—2 ҳисса ошириб этмоқда.

3. Каноп ҳосилини ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда оддий колхозчи Мўътабар Гулмуродованинг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти.

А. Абалян фотолари.

5 МИНГ КИЛОГРАММДАНГА ЕТАДИ

Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхози сут-товар фермасида илғорларни шарафлаш хайрли анъанага айланиб қолган. Куни-кеча илғор сут соғувчи Ҳолбуви Рисбекова ана шундай ҳурматга сазовор бўлди. Ўз қарамоғидаги йигирма бош соғин сигирнинг ҳар биридан шу кунга қадар 3500 килограммдан сут соғиб олиб, ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун унинг шарафига шуҳрат байроғи кўтарилди.

Дастлабки ютуқлардан руҳланган илғор соғувчи айни пайтда янада ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. У йил охиригача ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 5 минг килограммданга етказишни мўлжалламоқда.

КАМЧИЛИКЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Ўтган йили совхозимиз давлатга узум сотиш планини бажара олмади. Лекин, бўлимимиз аъзолари ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари бўйича белгиланган йиллик планларини ошириб адо этишди. Менимча, хўжалик бўйича ҳам барча топшириқларни ошириб бажариш мумкин эди. Аммо, очиқ айтиш керак, бунга ишимиздаги баъзи нуқсонлар йўл қўймаяпти.

Бўлим цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ишлаб чиқаришда содир бўлаётган камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Коммунистлар йўл қўйилаётган камчиликлар бўлим бошлиғи Х. Тешабоев ва цех партия ташкилотининг секретари Р. Отабековларнинг масъулиятсизлиги туфайли юзага келаётганлигини эътироф этишди.

Бўлимимизда 500 гектар боғ бор. Ҳаммаси энди ҳосилга кираётган ёш дарахтлар. Кўпинча хонадонларга қарашли моллар боғ ичида ёйилиб юради. Биринчидан, мол эгалари уларни қаровсиз қолдиришса, иккинчидан совхоз боғбонлари, қолаверса бошқа одамлар боғларнинг пайҳон қилинишига бефарқ қарашади. Баъзилар совхоз даласида етиштирилган меваларни бозорда пуллаб, мўмай даромад орттирмоқдалар. Эгри қўлларнинг бу хатти-ҳаракатини ҳеч ким билмайди, дейсизми?! Йўқ, билишади, аммо индамайди. Йиғилишда давлат ҳисобига ҳамённи тўлдираётган шахслар номма-ном тилга олиниб, уларнинг хатти-ҳаракатларига чек қўйишга қарор қилинди.

Мен бўлим цех партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар орасида ҳам лоқайдлик кайфияти борлигини айтдим. Чунки цех партия ташкилоти йил давомида бор-йўғи икки марта мажлис ўтказганлиги ҳеч кимни ташвишга солмади-да. Менинг фикримни коммунист К. Сарсенов ҳам қувватлади. Кекса коммунист П. М. Солминский цех партия ташкилоти ёшлар билан ишлашга жиддий эътибор бермаётганлигини қаттиқ танқид қилди. Бўлимимизда юздан зиёд одам ишлайди. Уларнинг кўпчилиги ёшлар бўлишига қарамай, бўлимда комсомол ташкилотининг фаолияти сust.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида 26 нафар коммунистнинг деярли ярмиси сўзга чиқди. Улар асосан партия ташкилоти ва ўз фаолиятларидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Механизаторлардан З. Аҳмедов, Т. Жумабоевлар бўлим гаражида иш шароити оғирлигини айтишди. Гараж қишда лой, ёзда чанг босиб ётади. Совхоз раҳбарлари гараж, дала шийпонлари, маданий-маиший объектлар қуриш ҳақида жиддий бош қотирмаяптилар. Механизатор П. Бойметов эса ҳайдов тракторини ишлатиш, меҳнат нормасини қайтадан кўриб чиқиш лозимлиги ҳақида ҳақли таклиф киритди. Ҳақиқатан ҳам бўлимимизнинг нотекис ерларида умумий белгиланган меҳнат нормасини бажариш мушкул. Бир операцияни бажаргач, иккинчисига киришиш учун гаражга келиб плугларни алмаштиришга анча вақт кетади. Совхоз план бўлими ҳайдов тракторлари иш нормасини қайтадан кўриб чиқишни ўйлаб кўриши керак.

Коммунистлар боғларда механизациядан самарали фойдаланилмаётганлигини ҳам ўринли танқид қилишди. Бизда техника бажариши, мумкин бўлган кўпгина ишлар қўл кучи билан амалга оширилаяпти.

17-бригада бошлиғи, коммунист М. Дониёров ишда коммунистларнинг авангардлик роли сезилмаётганлигини таъкидлади. У коммунист С. Собиров кексалигига қарамай, ҳамон кўпчиликка намуна бўлиб ишлаётганлигини айтиш билан бирга ёш коммунист О. Жумабоевни тез-тез бесабаб ишдан қолишда, масъулиятсизликда айблади.

Ишчи Г. Раҳмонова бўлим бошлиғи коммунист Х. Тешабоев ишчиларнинг меҳнат ва дам олишларини яхшилаш билан жиддий шуғулланмаётганлигини танқид қилди. Бўлим бошлиғи танқидни тўғри тан олиб, бу соҳадаги камчиликларни бартараф қилиш чоралари ҳақида гапирди.

Умуман ҳисобот-сайлов йиғилишида биз очиққасига гаплашиб олдик. Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида коммунистлар авангардлигини таъминлаш ҳақида кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Бу йил бўлимимиз меҳнаткашлари эл дастурхонига 1170 тонна мева, 230 тонна сабзавот, 110 тонна узум етказиб беришга аҳд қилганлар. Ҳозиргача давлатга 258 тонна мева ва 110 тонна сабзавот маҳсулотлари топширдик. Бугун-эрта узум узишни ҳам бошлаб юборамиз. Бу йил 1,5 йиллик план миқдорида ширадор озуқа жамғаришга аҳд қилганмиз. Мактаб дони плани ҳам ошириб бажарилади.

Бўлимимиз аъзолари 3-бўлим меҳнаткашлари билан ўзаро мусобақадош. Шу кунларда мева йиғим-теримида мусобақадошларимиздан бироз орқадамиз. Цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида социалистик мусобақада голиб чиқиш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишга қатъий қарор қилдик. Ҳозирги пайтда коллективимизда кўтаринки меҳнат руҳи ҳукмрон. Ҳисобот йиғилишидаги танқидий мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқарган коммунистларимиз меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш борасида шахсий намуна кўрсатишга интилмоқдалар.

А. РАҲМОНОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводининг 4-бўлими ишчиси, КПСС аъзоси.

ЮКСАК СИФАТ КАТЕГОРИЯСИ БИЛАН

В. П. ЧКАЛОВ номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кенг истеъмол буюмлари кўпчиликка манзур бўлаётганлиги сир эмас. Ана шу корхона марказий бинан тайёрланган турли маҳсулотлар савдо тармоқларида ҳам севиб харид қилинади. Бирлашма ишлаб чиқариш цехларида кейинги йилларда 26 та турли хилдаги кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар замонавийлиги, пишиқлиги ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Бу бежиз эмас албатта. Улар корхонанинг асосий маҳсулоти бўлмасада, лекин асосий маҳсулотлар тайёрланадиган станокларда, ўта аниқлик билан ишлаб чиқарилиши унинг шуҳрат маркасини янада оширмоқда.

Цехларда халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш билан бирга бу соҳага ихтисослашган айрим участкалар ҳам ташкил этила бошланди. Жумладан, болалар аравачалари тайёрлайдиган корпус ишга тушди. Гальваника цехида металларни никель билан қоплайдиган қурилмалар, 10 ва 20 литрлик канистрлар ишлаб чиқарадиган автоматлар яратилди.

Ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонада кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ҳамма гап шундаки, авиабирлашмада кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш техника бўлими ташкил этилиб, у муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ҳар бир янги маҳсулот лойиҳаси қисқа муддат ичида тайёрланиши, унинг дастлабки нусҳалари ишлаб ўтиши учун тажриба конструкторлик бюроси ва экспериментал ишлаб чиқариш лабораториялари яратилди. Ишлаб чиқариш техника бўлими муайян маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёжлар даражасини ўрганиш мақсадида турли кўргазмаларда ва савдо шаҳобчаларида иштирок этади. Шундан сўнг у ёки бу маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарила бошланади. Бюронинг тавсиясига кўра харидоргир маҳсулотлар кўпайтирилиб турилади.

1981 йилда бирлашмада 14272 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1983 йилга келиб бу кўрсаткич 18656 минг сўмдан ҳам ошиб кетди. Шу йилнинг охиригача эса ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 2400 минг сўмлик кўп маҳсулот тайёрлаш назарда тутилган.

Тошкентлик самолётсозлар бу борадаги ютуқлар қанчалик қувончли бўлмасин, қўлга киритилган ютуқлар билан кифояланмайдилар. Улар ҳозирданоқ келгусида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконини берадиган йўлларни изламоқдалар. Турли цехларда бир-икки хил маҳсулот тайёрлаш натижасида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида махсус ишлаб чиқариш корпусларини ташкил этишни режалаштиришмоқда.

Ана шу корпусларда фақат оммабоп маҳсулотлар яратила бошланади. Айни пайтда бу корпуснинг қурилиши бошлаб юборилди. Унинг биринчи навбати 1985 йилда маҳсулот бериши кўзда тутилмоқда. Албатта, бу корпус ишга тушгач, бундай маҳсулотларни кўплаб тайёрлаш имкониятлари ҳам кенгаяди. Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, участкаларда муайян жараёнларни бажара оладиган манипуляторлар ва роботларни ишга солиш мумкин бўлади. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар салмоғи ва сифатига ҳавас қилгудек. Барча буюмлар завод сифат белгисини олишга муяссар бўлган. Уларнинг 70 проценти эса давлат Сифат белгиси билан истеъмолчиларга етказиб берилади. Болалар аравачалари (беш хил), рангли телевизор антенналари ва бошқа ўнлаб маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Шу йилнинг ўзида тўртта янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларни тайёрлашда тажрибали ишчилар ўз меҳнатларини аямяптилар. Ботир ва Ҳамид Зуфаровлар ана шундай ишлаб чиқариш жонкуярларидан саналишади.

Улар болалар аравачалари йиғиладиган участкада меҳнат қилаётганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу маҳсулотлар давлат Сифат белгисига аттестация қилинган. Демак, аравачаларнинг ҳар бирини тайёрлаётганда зийраклик, қунт билан меҳнат қилиш талаб этилади. Ака-ука Зуфаровлар эса фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга смена топшириқларини 115—120 процентга бажармоқдалар.

Шу кунларда бирлашмада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилаётган социалистик мусобақа қизғин паллага кирди. Бу мусобақада кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган коллективлар ҳам актив иштирок этаётганликлари қувончли ҳолдир. Улар республикамиз юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиб, аҳоли севиб харид қилаётган кенг истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқаришга қатъий бел боғлаганлар.

А. КАШАПОВ,
Э. ГУКАСОВ,
Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ЁШЛАР ВА КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОД

БУГУНГИ КУНДА чуқур назарий ва амалий тайёргарликсиз, жамиятни социал-иқтисодий ривожлантириш қонуниятлари ва истиқболларини равшан англамасдан туриб хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиб бўлмаслиги шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия барча совет кишиларида, айниқса, ёшларда марксча-ленинча дунёқараш, коммунистик эътиқодни шакллантириш, уларни коммунизмнинг буюк идеалларига садоқат руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор бермоқда.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин ёшларда илмий дунёқарашни шакллантиришни, яъни уларни илмий коммунизм билан қуроллантиришни партия ташкилотларининг тарбиявий соҳадаги энг муҳим ишларидан биридир, деб кўрсатган эди. Бунда илмий дунёқарашни эгаллашнинг зарурий шарти — бу таълимотнинг коммунистик қурилиш соҳасидаги амалий ишлар билан тасдиқланишидадир, деб уқтиради Владимир Ильич. Унинг таърифи билан айтганда, коммунистик дунёқарашга эга бўлган, буни амалий ишларда, ўз ҳаётий позициясида исботлай оладиган ёшларгина революцион йўлдан бора олади, реакцион кучларнинг идеологик тазйиқига қатъий қарши туради.

Ҳозирги даврда ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бугунги кунда мамлакатимиз бутун тарихи мобайнида энг ўқимишли, профессионал жиҳатдан энг кўп тайёргарлик кўрган ёш авлод мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. У социализм шароитида, фаровонлик муттасил юксалиб бораётган, тинчлик шароитида ўсиб етишди. Ёшларимизнинг аксарият кўпчилиги коммунистик идеалларга, революцион анъаналарга содиқдир. Улар беш йилликнинг олдинги марраларида меҳнат қилмоқдалар. Биз келажагимиз ишончли қўлларда эканлигига аминмиз.

Лекин шу билан бир қаторда совет ёшларининг ҳозирги авлоди етарлича ҳаётий тажрибага эга эмаслиги, кекса авлод вакилларининг уқтириб ўтилди. Ёшларнинг бир қисми билимлари ва меҳнатсеварлиги билан эмас, балки ота-оналарининг пулига сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар билан ўзларини кўрсатишга иштиёқи ташвишлантирмаслиги мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам ёшларни ғоявий-маънавий, синфий жиҳатдан ва меҳнатда чиниқтириш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Кўпгина олий ўқув юртлари қатори Тошкент халқ хўжалиги институти партия ва комсомол ташкилотлари бу соҳада муайян тажриба тўплаганлар. Тарбиявий комплекс ёндошув халқ хўжалигига юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш имконини беряпти.

Студентларни ғоявий-маънавий тарбиялаш, синфий жиҳатдан чиниқтиришда ижтимоий фанларни ўқитиш тубдан яхшиланаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлаётир. Институтда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талаблари асосида бу фанларни ўқитишда семинар машғулотларининг актив формалари: энг муҳим муаммолар юзасидан бахслар уюштириш, студентларнинг маълум мавзу бўйича ёзган докладларини ижодий муҳокама қилиш, улар томонидан рефератлар тайёрлаш каби формалари кенг қўлланиладиган бўлди. Бу студентларнинг ижтимоий фанларни чуқур ўзлаштиришларига хизмат қилиши билан бир қаторда уларни мустақил фикр юритишга, ўз эътиқодларини партиявий, синфий нуқтаи назардан қаттиқ ҳимоя қилишга, идеологик курашда партиянинг онгли жангчиси сифатида иштирок этишга ўргатяпти. Ижтимоий фанларни ўқитишда, айниқса, марксизм-ленинизм классиклари, КПСС ҳужжатларини чуқур эгаллашга катта эътибор берилади.

Ленинча таълимотни ўрганишга қизиқишни кучайтиришда комсомолга В. И. Ленин номи берилишининг 60 йиллигига бағишлаб институтда ўтказилган тадбирлар муҳим роль ўйнади. Бу сана муносабати билан ҳамма факультетларда ленинча ўқувлар бўлиб ўтди. Доҳийнинг асарлари юзасидан рефератлар тайёрланди. Бу соҳада қилинган ишларга институт комсомол ташкилотларида «Ленин номи билан меҳнатга ва жасоратга» ягона кун тартиби билан ўтказилган йиғилишларда якун ясалди.

Коммунистик эътиқодли ёшлар оташин ватанпарвар ва ҳақиқий интернационалистлар бўлишлари керак. Институт партия ва комсомол ташкилотлари студентларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бораётирлар. Ҳозирги пайтда институт талабалари «Улуғ Ватан уруши йилномаси» экспедициясини ўтказмоқдалар. Унинг давомида совет халқининг уруш йилларидаги жасоратига доир ҳужжатлар ва материаллар тўпланмоқда, факультетларда жанговар шон-шуҳрат музей ва бурчаклари ташкил этиляпти. Студентлар қурилиш отрядлари эса шанбаликлар ўтказиб, ларда ишлаб топилган маблағни Москвада барпо этилаётган Ғалаба монументи қурилиши фондига ўтказмоқдалар.

Студент ёшларимиз Коммунистик партия ва Совет давлатимизнинг ленинча тинчликсевар сиёсатини ядролик билан қўллаб-қувватлаётирлар, АҚШ бошчилигидаги империалистик кучларнинг қуролланиш пойгасини авж олдириш, ҳалқаро вазиятни хатарли тусда кескинлаштиришга қаратилган разил режаларини қатъиян қораламоқдалар. Учинчи меҳнат семестри давомида барча студент қурилиш отрядларида «Мен тинчлик учун овоз бераман» шиори остида ўтказилган митинг ва намойишларда студентларимизнинг ер юзида барқарор тинчлик ўрнатишга бўлган ҳоҳиш-иродалари баралла янгради.

Институт партия ва комсомол ташкилотлари йигитқизларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш чораларини ҳам кўряпти. Бу йил 32 та студент-қурилиш отряди ташкил этилди. Улар меҳнат семестри охиригача 700 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш ишларини бажарадилар, қишлоқ меҳнаткашларига мева ва сабзавот ҳосилини йиғиштириб олишда, ем-хашак жамғаришда яқиндан кўмаклашадилар. 75 кишидан иборат педагогик отрядлар эса пионер лагерларида, турар-жойларда мактаб ўқувчиларининг етакчилари бўлдилар.

Студентлар қурилиш отрядлари сафида меҳнат қилаётган ёшлар юксак онглилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар меҳнат семестрлари давомида уч зарбдор кун эълон қилдилар. Бу зарбдор кунларда ишлаб топилган маблағлар Смоленск областидаги Гагарин шаҳрини қуриш ва ободонлаштириш, Москвада ўтказиладиган ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивали, ривожланаётган мамлакатлар ёшлар союзларига ёрдам фондларига ўтказилди.

«Совет кишилари ҳозирги авлодининг ва, албатта, комсомолларнинг, ёшларнинг Ватан олдидаги, тарих олдидаги хизматлари аввало ўз мамлакатимизда қурилган социализмни такомиллаштириш вазифаларини нақадар муваффақиятли уддалашимиз билан ўлчанишини таъкидлаб ўтмоқчиман, ўртоқлар,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко умумармия комсомоли анжуманида сўзлаган нутқида.— Еки, бошқача қилиб айтганда, бу хизматлар уни социалистик идеалга тўла мувофиқ ҳолга келтириш сари, дунёқарашимизнинг марказий ғояси бўлмиш социал адолат ғоясига эзид бўлган ҳамма иллатларни турмушимиздан чиқариб ташлаш сари нақадар олға силжишимиз билан ўлчанади». Партиянинг бу кўрсатмаси ҳар бир йигит-қизда коммунистик эътиқодни шакллантириш вазифасини коммунистик тарбиянинг энг муҳим вазифаси қилиб қўймоқда. Партия ва комсомол ташкилотлари бу жуда масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариш учун ёшларнинг ғоявий-сиёсий, маънавий ва меҳнат тарбиясини тобора такомиллаштириб боришлари керак.

Ш. КАРИМОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти.

ДОНГДОР ТЎҚУВЧИ

● Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиси, СССР Олий Советининг депутати Каромат Еқуббоева ўзининг ишлаб чиқаришдаги актив фаолияти билан эл оғзига тушди, коллектив ҳурматини қозонди. Ҳозирги кунда корхонанинг кўплаб ишчилари унинг номини фахр билан тилга оладилар. Чунки, бу зарбдор тўқувчи ҳамиша белгиланган топшириқларни ортиғи билан адо этиб келяпти.

Суратда: ишлаб чиқариш илғори Каромат Еқуббоева (ўнгда) ҳамкасби Зуҳра Эшимбекова билан.

А. Кошкин фотоси. (ЎзТАГ).

РЕКОНСТРУКЦИЯ ТЕЗЛАШМОҚДА

АНГРЕНДАГИ шахта қурилиш монтаж бошқармасининг азаматлари Ангрен разрези реконструкциясида илғорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Айниқса, Ш. Аҳманов бошчилигидаги 1-участка ва В. Кичиков етакчилигидаги 3-участка азаматлари разрездаги энг масъулиятли ва мураккаб ишлари бажаришда ҳам графикдан ўзишга эришаётганликлари диққатга сазовордир.

Бошқарма бош пудрат бўйича етти ойлик топшириқларни барвақт адо этиб, пландан ташқари 70 минг сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Ўз кучлари билан эса 90 минг сўмликдан зиёд яратувчилик ишлари бажарилди. Бу ютуқларда ҳам Ш. Аҳманов ва В. Кичиков бошчилигидаги участкаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

М. АЛИМОВ.

ҚЎШ ҚУВОНЧ

● Ф. Қулунбоев бошчилик қилаётган бригада 2-йўсозлик комбинатига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг энг пешқадам коллективларидан саналади. Бригада монтажчилари йилнинг ўтган ойларида кенг хажмдаги яратувчилик ишларини амалга оширдилар. Етти ойлик планда кўзда тутилганидан бир неча минг сўмлик кўп иш бажарилди. Бригада пудрати асосида иш юритилиши туфайли белгиланган марра муваффақиятли забт этилмоқда.

Коллективнинг Владимир Клинкин, Сергей Простатин ва Шавкат Алимуҳамедов сингари тажрибали бунёдкорлари барчага ибрат кўрсатиб ишламоқдалар. Натижада кунлик норма 130 процентдан ошириб бажариляпти. Ана шу илғорларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига пойтахтдаги Каблуков кўчасида қад кўтараётган 9 қаватли турар-жой биноси битай деб қолди. 54 оила ана шу бинода Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи арафасида ҳовли тўйларини нишонлайдилар.

М. ФЕЛЬДМАН.

УНУМДОРЛИК ОРТМОҚДА

● ОЛМАЛИҚДАГИ 4-авторемзавод ишчилари меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент арзонлаштириш юзасидан берган ваъдаларини шараф билан уддаламоқдалар. Бунга эришишда корхонада рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатига кейинги йилларда катта эътибор берилаётганлиги қўл келмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, қўл кучи сарфини камайтириш ва ишни ташкил этишни ҳар томонлама яхшилашга қаратилган кўплаб ихтиролар ўзининг катта самарасини бераётир. Бу туфайли заводда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш эвазига ўтган ойлар мобайнида 303 минг сўмлик фойда олинди. Бу планда белгиланганидан 6,3 процент кўпдир.

В. МОЛОТКОВ.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ЗАРБДОРИ

Коммунистик меҳнат зарбдори Шуҳрат Толипов 25 йилдан буён Тошкент подшипниклар ремонти заводида самарали меҳнат қилиб келяпти. Бу йиллар мобайнида тажрибали ишчи ўз касбининг етук мутахассиси даражасига кўтарилиб, корхона пешқадам ишчилари сафидан ўрин олди. Шу кунларда у масъулиятли вазифа — қардош Чехословакиядан келтирилган янги дастгоҳларни цехга ўрнатишда ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқда. Унинг фидокорлиги туфайли корхонадаги кўплаб ишлаб чиқариш дастгоҳларининг бир маромда ишлатилиши таъминланяпти.

Суратда: моҳир ишчи Шуҳрат Толипов.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯСИ

Ангренда область «занглари экран» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли янги овоз ёзиш студияси ишга туширилди. Мазкур студия замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Нур-музика доимо мижозларни ўзига чорлайди.

Студия уч бўлинмадан иборат. Буюртмачилар махсус бўлимларда ўзлари ёқтирган куй, қўшиқ ва музикаларни эшитиб кўрадилар, танлайдилар. Ичкари аппаратхонада бўлса, мижознинг буюртмаси бажарилади.

Бу ерда совет, прогрессив чет эл, шунингдек миллий қўшиқларни истаганча ёздириб олиш мумкин. Яқин кунларда буюртмачининг товушини ҳам ёзиб олиш йўлга қўйилади.

Б. СОЛИҲОВ.

ХАТЛАРГА ОБЗОР

ГАЗЕТХОНЛАР ЁЗАДИЛАР...

Хатлар... Уларни очар эканмиз газетхоннинг рангбаранг мавзудаги ҳабарлари, мақолалари, меҳнат ва уруш ветеранларининг шахсий хотиралари билан танишамиз:

— Тан жароҳати битади, лекин қалб жароҳати битмайди,— деб ёзади Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветерани, Ленин ордени кавалери бекободлик Ўтан Қаршибоев. Уруш вақтидаги вайронагарчиликлар, фашистларнинг ёвузликлари ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди. Кули кўкка совурилган шаҳар ва қишлоқлар, ўлимга тик борган совет солдатларини эсласам ҳаяжонга тушаман. Ҳозир эса халқим биттиги ва ғалаба қозондик!.

Буюк ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилаётган айни шу кунларда фронтчи ҳамюртларимиз ва уларнинг жасоратлари ҳақида кўплаб хатхабарлар олмоқдамиз. Янгийўл районидан Д. Содиқов ҳамқишлоғи ветеран жангчилар Т. Азимов, С. Исматиллаев, Т. Асқаров, Ш. Муззаффаровларнинг жасорати, улар озод этган шаҳарлар, ветеранларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, редакциямизга Тошкент районидан А. Қурбонов, Москва областидан А. Липатов, область граждан мудофааси штаби пропагандисти Е. Гайтанов, кекса жангчи И. Саримсоқовлар ҳам шу мавзуда мактублар йўллашган.

Редакция почтасида ёзги таътилни мароқли ўтказаётган кичкинтойлар, уларга барча шароитларни яратиб бераётган мактабдан ташқари тарбия муассасалари, пионер лагерларининг бугунги ҳаёти ҳақидаги материаллар ҳам кенг ўринни эгаллайди.

— «Маяк» пионер лагери Паркент районининг Сўқоқ қишлоғига жойлашган. Бир томони тепалик, иккинчи томони эса қишлоқдан оқиб ўтувчи сой билан туташган бу оромгоҳда «Электротехника» заводи ишчи-хизматчиларининг ўғил-қизлари мароқли дам олмоқдалар,— деб ёзган жамоатчи мухбиримиз М. Усмонов. Лагерда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, физкультура ва спортга жалб қилиш, чиниқтириш бўйича жиддий ишлар қилинди. Ўқувчилар учун пионерлар хонаси, рақс, «Моҳир қўллар» тўгараклари ташкил этилди. Бу ишларда пионер вожатийлар Г. Исломова, Ғ. Мирзаахмедовлар фаоллик кўрсатишди.

Оққўрғон районидан З. Раҳимова, ангренлик М. Муҳаммедов, тошкентлик С. Абдуллаев, Ғалаба районидан Ю. Собировлар ҳам ёзги каникул кунларини соғлом оромгоҳларда ўтказган мактаб ўқувчилари ҳақида ҳикоя қилишган.

Редакциямизга Чиноз районидан О. Нуришев, тошкентлик Г. Рўзиматов, Коммунистик районидан М. Ҳасанова, Калинин районидан И. Қосимовлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРИГА — АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА оралиқ экинларини парвариш қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу биринчидан, чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш имконини берса, иккинчидан, тупроқ унумдорлигини оширади, далада бегона ўтлар ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларининг камайишига олиб келади.

Областимизда оралиқ экинлар ўстиришни жорий қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Август ойида маккажўхори, полиз маҳсулотлари ва каноп йиғиштириб олингач 40 минг гектардан ошиқроқ ер ҳосилдан бўшайди. Кейинги йилларда кўпгина хўжаликлар ана шу ерларга оралиқ экинлари экиб, рационал фойда кўрмоқдалар, бир майдондан икки-уч марта ҳосил кўтармоқдалар. Ҳар гектар ердан қўшимча равишда 500—600 центнердан кўк масса ёки 90—110 центнердан озуқа бирлиги олинмоқда. Бу жиҳатдан Коммунистик районидаги «Правда», «Ленинский путь», Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди», К. Маркс номли колхозлар, Ғалаба районидаги Волков номли совхоз деҳқонлари бой тажриба тўплашган. Бироқ ҳали областимизда оралиқ экинларидан кўнгилдагидай самара олиняпти, деб бўлмайди. Ўтган йили кўпгина хўжаликлар турли баҳоналарни рўкач қилиб, оралиқ экинларни экиш муддатини ўтказиб юбордилар. Кеч униб чиққан майсалар қишки қаттиқ совуқдан нобуд бўлиб кетди. Натижада бу экинлардан атиги 150—200 центнердан ҳосил олинди. Бу йил ҳам шундай аҳвол такрорланмаслиги учун хозирданоқ оралиқ экинларининг ҳосилдорлигини навларини топиб, унинг уруғ сифатига қатъий эътибор бериш, экиндан бўшаган майдонларга ўз муддатида экиш, ўғит бериш, ер шароитини ҳисобга олиб суғоришни йўлга қўйиш лозим.

Илгарилари областимизда оралиқ экинлари сифатида ғунчалик перспектив бўлмаган, навлари танланмаган уруғлар экиларди. Эндиликда мўл ҳосил олиш имкони бўлган тез пишар, совуққа чидамли оралиқ экинларининг уруғлари мавжуд. Жавдарнинг «В-116», «Саратов-2», «Саратов-74», тритикаленинг «Праг-1», сулининг Ўзбекистон кенг барглиси, «В-110», перко, рапснинг «4260», «Краснодар-3» вика (бурчоқ)ни «Тожикистон-60» навлари шулар жумласидандир.

Шуни эсда тутиш лозимки, областимиз бўйича ҳақиқий нави аниқ бўлган, уруғлик сифатлари текширилган оралиқ экинлари фақатгина Ғалаба районидаги космонавт Волков номли совхозда ўстирилмоқда. Бу йил хўжаликда экинлардан алоҳида ўсимликларни ажратиб танлаш йўли билан супер-элита уруғлари тайёрланди. Келгуси йили эса қайта экиш йўли билан улардан элита уруғи олиш мўлжалланмоқда. Жавдарнинг «В-116» навидан олинган 35 тонна, тритикаледан олинган 40 тонна, перкодан олинган 5 тонна, рапснинг «4260» навидан олинган 1,5 тонна сара уруғ область қишлоқ хўжалик бошқармаси орқали уруғ кўпайтирувчи хўжаликларга тақсимлаб берилади. Бу уруғларни олган хўжаликлар уни фақат уруғлик учун экишлари, кўк масса олишни бош мақсад қилиб қўймасликлари даркор. Акс ҳолда бу областимизда оралиқ экинлари уруғлигини кўпайтиришга халақит беради. Шу нуқтаи назардан қараганда янги экинлар технологиясига оид энг муҳим талабларни эсларитиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди деб ўйлаймиз.

Ўта тез пишар, кўп ўримли, совуққа чидамли, бўйи 120—200 сантиметрга етадиган жавдарнинг универсал «В-116» навини август ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб то октябрь ойининг иккинчи ярмигача экса бўлади. Ҳозирги кунларда экилган жавдар 55—60 кун ўтгач — октябрь ойида бошоқ чиқаради. Бу вақтда экиннинг бўйи 100—120 сантиметр бўлиб, биринчи ўримга киришиш мумкин. Келгуси йил апрель ойининг бошларида эса иккинчи ўрим ўтказилади. Шу тариқа гектаридан 600—650 центнердан кўк масса ҳосили олинади.

«В-116» жавдар навининг афзаллиги шундаки, баҳорда оддий кузги жавдарларга нисбатан 17—20 кун илгари бошоқлайди ва кўк масса сифатида ўриб олишга тайёр бўлади. Бу навдан уруғлик тайёрлаш учун эрта баҳорда — март ойининг иккинчи ўн кунлигида бўлган давр ичида беда билан қўшиб экилиши керак. Бу ўринда гектарига уруғ сарфлаш нормасини 50—60 килограммдан оширмаслик лозим. Шунингдек, баҳорда иккинчи ўримда уруғ тайёрласа ҳам бўлади.

Жавдарнинг кузги «Саратов-2», «Саратов-74» навлари 1—15 октябрларда экилиб, келгуси йил 20—25 апрелда бир марта ўриб олинса, 400 центнергача кўк масса ҳосили беради.

Жавдар билан буғдойнинг гибриди бўлмиш тритикаленинг «Праг-1» нави ҳозир областимизнинг айрим хўжаликларидагина ўстирилянти. У 1—15 октябрларда экилади. Гарчи бироз кеч—апрель ойи охирларида бошоқласа-да совуққа жуда чидамли бўлиб, пояси бақувват, кенг барг чиқаради, ётиб қолмайди. Ҳосилдорлиги 500—600 центнергача етади.

Областимиз далаларида перконинг фақатгина Болгариядан келтирилган янги кузги «РУН» нави экилади. Кўкпояси ниҳоятда ширали бўлганлиги учун чорва моллари ва паррандалар уни иштаҳа биланейди. Перко август ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб октябрь ойининг иккинчи ярмигача экилади. Айни кеча кундузда экилган перко октябрь ойида биринчи марта, апрель ойининг бошларида иккинчи марта ўрилади. Гектаридан 550—600 центнердан кўк масса олинади. Бу экиннинг вегитация даври жавдарнинг «В-116» навининки билан деярли бир хил. Шу сабабдан уларни аралаштириб экиш мумкин.

Рапснинг «4260» нави мутлақо янги нав, ниҳоятда тезпишар, совуққа чидамли. Перкога нисбатан 5—7 кун олдин гуллайди. Экиш муддати эса 15 августдан 15 октябргача тўғри келади. Кўк озуқа сифатида март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб чорва молларига тарқатилади. Ҳозирча бу рапснинг уруғи ноёб, фақатгина Волков номли совхозда 1,5 тонна ва Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозида 500 килограмм уруғ етиштирилган. Шунинг учун уларни янада кўпайтириш тадбирларини аниқ белгилаб иш юритиш керак.

Кузги рапснинг «Краснодар-3» нави нисбатан совуққа чидамли, баланд бўйли, пояси бақувват, барглари ҳам йирик ва кўп. Лекин анча кеч — апрель ойининг охирларида гуллайди. Ҳозирча бу нав областимиз хўжаликларига кам миқдорда тарқалган. Келгусида уруғи кўпайтирилса, кузги жавдар, тритикале билан қўшиб экиш имкони туғилади.

Кўриниб турибдики, бу экинлар уруғига эга бўлган хўжаликларда куз ва баҳор фаслларида ҳам чорва молларини мўл-кўл кўк масса билан таъминлаш мумкин. Улардан силос, сенаж, пичан, ўт талқони ҳам тайёрласа бўлади.

Оралиқ экинларини экиш учун ерни яхши тайёрлаш лозим. Агар маккажўхори ва каноп бўшаган майдонлар бегона ўтлардан тоза бўлса, қатор ораларини дарҳол чуқур культивация қилиб, оралиқ экинлари экиш, қайтадан эгатлар очиш ҳамда суғоришни бошлаб юбориш мумкин. Шундай қилинса, 4—5 кунда майсалар униб чиқади, тез ўсиб, яхши ривожланади. Бегона ўтлар кўп бўлган майдонларни эса, албатта, икки ярусли плугларда 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаш зарурати туғилади. Сўнгра «КФГ-3,6» маркали фреза ёки оғир молалар билан ишлов берилади. Бунда пайкал ниҳоятда майин тупроқли, текис бўлиши, экишдан олдин гектарига 80—100 килограммдан азот ва фосфор ўғити берилиши лозим. Экиш ниҳоясига етказилгач, суғориш бошланади. Бу ўринда ер шароитини ҳисобга олиб август ойида экин экилган пайкаллар икки-уч марта, октябрь ойида экилган пайкаллар эса бир марта суғорилади.

Кўк масса олиш учун экиладиган оралиқ экинларининг уруғ сарфлаш нормалари қуйидагича белгиланади: соф ҳолда экилганда гектарига 120—130 килограммдан кузги жавдар, 110—120 килограммдан «В-116» навли жавдар, 130—140 килограммдан тритикале, 110—120 килограммдан сули, 8—10 килограммдан перко ва рапс уруғи ажратилади. Жавдарга перко ёки рапс қўшиб экилган тақдирда гектарига 70—80 килограммдан жавдар, 5—6 килограммдан перко ёки рапс уруғи сарфланади. Бошоқли экинлар уруғлари 4—5 сантиметр, қўш гулли экинлар уруғлари 2—2,5 сантиметр чуқурликда экилади.

Оралиқ экинларини, жумладан, жавдар ёки сулини шу кунларда янги бедага аралаштириб экиш айни муддаодир. Бунда гектарига 20—22 килограммдан беда уруғи, 50—60 килограммдан жавдар ёки сули уруғи ишлатилади. Сийраклашиб қолган эски бедазорларга август, сентябрь ойларидаги ўримдан сўнг гектарига 80—90 килограмм уруғлик сарфлаб «В-116» навли жавдар экиш ҳам яхши натижа беради. Кузда ва келгуси йил эрта баҳорида қўшимча равишда 300—350 центнердан кўк масса йиғиштириб олинади.

М. ПИРМЕТОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти деҳқончилик кафедрасининг доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ШИЙПОН ШИЙПОНДАЙ БЎЛСИН

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ бу оромгоҳига етиб боришингиз билан жамбил, райҳон бўйлари гуллар атри билан қўшилиб, димоғингизни чоғ этади. Атрофига сувлар сепилган, баҳаво, ғир-ғир шабода эсиб турган серфайз шийпоннинг чинакам ҳордиқ масканига айланганига ишонч ҳосил қиласиз. Шийпон атрофида жойлашган ошхона, рўзғорхоналар ҳам озода.

— Мана бу бакда доимо сув қайнаб туради, бунисида эса доим яхна чой тайёр, — тушунтиради Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи Энвер Алиев.

Шийпонда қовун-тарвуз пўчоқлари, турли чиқиндилар учун махсус усти ёпиқ яшчик мавжуд. Бригада дори омбори эса шамол эсишини ҳисобга олиб, шийпондан узоқда жойлаштирилган.

Ўзларига яратилган бундай қулайликлар учун пахтакорлар бригада бошлиқларидан мамнун.

Биз бундай орасталикни Бўка районидаги «Бўка» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Ковалева, «Кўкорол» совхозидаги Бахши Искандаров, «Ленин йўли» колхозидаги Мустафо Музаффаров бошлиқ бригадаларда ҳам кўрдик. Шу райондаги Ҳамза номли колхознинг Саодат Гулаҳмедова, «Партия XIX съезди» колхозининг Аҳмад Душабоев етакчилик қилган бригадалар дала шийпонлари эса озодалиги, саранжом саришталиги билан дилларни хушнуд этади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг Кан О Нам, Акмал Икромов номли колхознинг Хотам Шабиев бошлиқ бригадалари дала шийпонлари санитария талабларига тўла жавоб бериши билан бизнинг қаноатлантирди.

Афсус, биз бундай илиқ гапларни барча хўжаликлар шийпонлари ҳақида айта олмаймиз. Ташқи ва ички кўринишни жиҳатидан шийпон деб бўлмайдиган, номигагина дам олиш учун мослаштирилган бостирмалар бор. Уларда овқатланиш жойи минерал ва маҳаллий ўғитлар омбори билан ёнма-ён. Ҳордиқ чиқариш учун шароит йўқ. Кейин шийпонлар гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Худди шу районнинг Куйбишев номли колхозидаги Амиржонов бошлиқ бригада дала шийпонида меҳнаткашларнинг дам олиши учун шароит етарли эмас. Колхозчилар ташландиқ ариқ сувидан истеъмол қилмоқдалар. Болалик аёллар учун эса ғамхўрлик кўрсатилмаган. Районнинг «Партия XXII съезди» колхозини айланиб юриб, Т. Каримов бошлиқ бригадага келдик. Пастқамгина, кичкинагина иккита хонани бригадир: «Мана шу дала шийпонимиз» деб кўрсатди. Кейин ўзи ҳам уялиб:

— Янаги йилга қуриб оламиз, раҳбарлар ёрдам беришса бўлгани, — дея хомуш тортди.

Биз Чиноз районининг «Москва» колхози 7-бригадасида бўлганимизда бундан ҳам ачинарли аҳволга дуч келдик.

— Ҳозирча шийпонимиз йўқ, чайламиз бор, уни ҳам ўзим уйимдан қурилиш материаллари олиб келиб қурганман, — деди бригада бошлиғи Абдувосит Мирваҳобов.

— Чайла атрофига минерал ўғит тўкилган. Бу ерда дам олиш у ёқда турсин, бир пас ўтириб ҳам бўлмайди. Пашшалар ғувиллаб турибди. Чайла — «дала шийпони»да иссиқ овқат тайёрланмайди, онда-сонда колхозчилар тўпланиб, ўзларича қозон осадилар.

— Газета-журналлардан гапирманг, ака, уларни кўрмаганимизга анча бўлиб кетди. Лекин радиомиз бор, уни тинглайдиган хона йўқ, — дейишди колхозчилар нолиб.

Вали Умаралиев бошлиқ бригадада аёллар:

— Иш жойимиз — дала. Туш вақтида бир пас ором олишни истаймиз. Ўзимизку майли-я, болаларимизга ҳам соя-салқин жой йўқ. Шийпон деб аталмиш шу бостирмада дам олган бўламиз. Кейин ишга тушиб кетамиз. Шу тариқа умримиз ўтиб борянти, — дея хасратларини айтдилар.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг У. Охунов бошлиқ бригадасида шийпон икки чоғроққина хонадан иборат. Улардан биттасига болалар боғчаси жойлашган. Иккинчиси эса омборхона. Ҳар икки хона ҳам супурилмаган, атрофлари чиқиндилардан иборат.

— Одамлар қаерда дам олишади? — сўраймиз бригада бошлиғидан.

— Ким қаерда хоҳласа, шу ерда дам олади.

Бригадирнинг бу нохуш жавоби дилимизни ранжитди. Шийпонда иссиқ овқат ҳам тайёрланмайди. Механизаторлар учун махсус хона ҳам йўқ. Лоақал ҳамма бригадалар учун зарур бўлган аптечка ҳам ўрнатилмаган. Бригада ошпази билан суҳбатлашганимизда, унинг 35 кундан бери медицина кўригидан ўтмаганлиги маълум бўлди.

Шу хўжаликнинг И. Пиримқулов бошлиқ бригадаси дала шийпони умуман санитария талабларига жавоб бермайди. Овқатланадиган хоналар чанг, ошхона бир неча кунлаб тозаланмаган, таом тайёрланадиган жой билан минерал ўғит тўкилган жой орасидаги масофа жуда қисқа. Худди шундай манзарани биз Ғалаба районидаги Тошимов, Перменқулов бошлиқ бригадаларда ҳам учратдик.

Ҳаммадан ҳам хунукроқ воқеани Пискент районининг Охунбобоев номли колхозида кўрдик. Бу ерда дала шийпонлари санитария талабларига жавоб бермаганидан ташқари, меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза этишдек муҳим ишга бепарволик билан қаралмоқда. Хўжаликнинг А. Абдунабиев бошлиқ бригадасида икки хонали шийпон бўлиб, биттаси захарли химикатлар билан тўла, иккинчи хонанинг ифлослигидан унинг ичига кириб бўлмайди. Биз бу ерда 8 нафар қизнинг эшиги очиқ турган захарли дори омбори ёнида ерда ўтирган ҳолда овқатланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Бригадирга химикат одамлар ҳаёти учун хавфли эканлигини тушунтирганимизда, «мен шофер эдим, яқиндагина бригадирликка сайландим, тозалик ва хавфсизлик учун жавоб беролмайман» деди. Худди шундай бепарволикни колхознинг 7-бригадасида, «Пискент» совхози 1-бўлимининг 2-бригадасида ҳам кўрдик. Бу жойларда захарли химикатлар ошхонага яқин жойга тўкилган. Колхозчиларнинг, болали аёлларнинг дам олиши, овқатланиши учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Шийпонлар шип-шийдам, уларда кўргазмали агитация ёки меҳнатга чорловчи шиорлар ҳам йўқ.

Дала шийпонлари колхозчининг иккинчи уйи деб неча бор таъкидлаймиз. Ҳақиқатан ҳам меҳнаткашларнинг кўпроқ вақтлари ана шу шийпонларда, далаларда ўтади. Нима учун бу уйни биз ораста, саранжом-саришта, ҳамма учун қулай ҳолда тутмаслигимиз керак?! Нима учун бу уйда ҳаммадан ҳам азиз бўлган инсон учун иссиқ овқат тайёрланмаслиги, энг қулай ётоқхоналар қурилмаслиги керак?! Ваҳоланки, ҳар йили бу ҳақда гап бўлади. Ҳар йили колхоз-совхоз раҳбарлари ваъда берадилар. Ўзгариш эса кам бўляпти.

Шу кунларда пахтакорлар ҳаётида энг қизғин даврлар бошланмоқда. Ўрта Чирчиқ, Ғалаба, Чиноз, Пискент районларининг партия, совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари дала меҳнаткашларининг оромгоҳи бўлган шийпонларга алоҳида эътибор беришлари, бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик кўрсатишлари керак. Шундагина дала меҳнаткашларининг саломатлигини яна ҳам мустаҳкамлаган, уларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминлаган бўламиз.

Ж. ХУЖАЕВ,
область санитария маорифи уйининг бош врачи.

С. ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ОБЛАСТЬ САНИТАРИЯ МАОРИФИ УЙИНИНГ ҚЎШМА РЕИДИ

БИР СОВХОЗ ИЛҒОРЛАРИ

● **Шу кунларда Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Ғулом Зокиров бошчилигидаги бригадаси коллективи маҳсулот топширишни қизғин давом эттирмоқда. Айниқса помидор терими қизғин тус олган.**

Суратларда: помидор йиғим-терими илғорлари (юқоридан пастга) Қ. Маҳмудова, И. Абдураҳмонова ва Ж. Маматқуловалар иш устида.

М. Қорабеков фотоси.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРДАРИ

БОЛГАРИЯДА СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

● **Велико-Тирноводаги эслаб қоладиган қурилмалар заводи Болгария электроникасининг энг йиригидир. БХР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар, биринчи навбатда СССР билан қалин ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли электрон техникаси ишлаб чиқаришда олдинги марраларга чиқиб олди. Ҳозирги пайтда болгар экспортининг салмоқли қисми электрон ва электр техника буюмлари ҳиссасига тўғри келади. Суратда: Велико-Тирноводаги завод инженерларидан М. Ковачева ва Р. Цвеев.**

БТА—ТАСС фотоси.

ИККИ РЕКОРД

«Мажарово» шахтасининг икки марта Болгария Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Райчо Павлов бошлиқ кончилар бригадаси коллективи мамлакатда социалистик революция ғалаба қилганлигининг 40 йиллигини ажойиб меҳнат совғаси билан кутиб олмоқда. Кончилар беш йиллик плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

Бу бригада ишчилари мамлакатда кенг қулоч ёйган «Беш йиллик — 1300 кунда» ҳаракатига якдиллик билан қўшилган эдилар. Улар берган сўзларининг устидан чиқдилар.

Кончилар юксак унумли машина-механизмлардан самарали фойдаланаётганлари, ғоят уюшқоқлик билан меҳнат қилаётганликлари туфайли белгиланган план топшириқларини муттасил ошириб бажараётирлар. Шу беш йиллик бошидан бери улар ўртача кунлик ва ойлик кўмир қазиб олиш бўйича иккита миллий рекорд ўрнатган эдилар. Улар барча имкониятларни ишга солиб, бу рекордларни янгилашга муваффақ бўлдилар. Жумладан, сменада ҳар бир кончи ҳисобига кўмир қазиб чиқариш 20 куб метрга етди. Кўмир қазиб олиш бўйича белгиланган план топшириғи 1,5 ҳиссадан ҳам ошириб бажарилмоқда.

МАШИНАСОЗЛАР ТАШАББУСИ

Хасководаги «Млада гвардия» илмий-ишлаб чиқариш комбинати коллективи Болгарияда социалистик революция ғалаба қозонганлигининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берди. Машинасозлар бу сана шарафига 40 зарбдор кун эълон қилиш, шу даврда фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар ва округдаги барча меҳнат коллективларини бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Комбинат коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг саккиз ойлик планини 101 процент бажариш, меҳнат унумдорлигини 9,34 процентга ошириш ҳам кўзда тутилган. Машинасозлар иқтисодий тежамкорликни кучайтириш ҳисобига 126 минг левлик моддий-энергетика ресурсларини тежашга қарор қилганлар.

Бу коллектив «Совет Иттифоқига экспорт қилинадиган маҳсулот сифатида ишчи кафолоти» ҳаракатини янада кучайтиришга сўз берди. Жумладан СССРга экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 8 ойлик планни 105 процентга бажариш кўзда тутилмоқда.

Машинасозлар комбинатида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган «АХМ-300» ва «КБ-325» машиналарига юксак сифат категорияси берилишини таъминлашга ҳам аҳд қилганлар. Айни пайтда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун барча чоралар кўрилади.

«Млада гвардия» илмий-ишлаб чиқариш комбинати коллективининг ватанпарварлик ташаббуси Хасково округидаги кўплаб меҳнат коллективлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бу ватанпарварлик ташаббусига Хасководаги «Жеко Димитров» комбинати тўқимачилари биринчилар қаторида қўшилдилар. Улар шу йилнинг етти ойлик планини 400 минг левликка ошириб бажардилар. Август ойида эса топшириқ яна 50 минг левликка ошириб ўринланади.

Округдаги агросаноат комплексларининг ходимлари ҳам машинасозлар даъватига биноан 1984 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Хасководаги «Клокотница» агросаноат комплекси чорвадорлари бу ташаббусга қўшилиб, беш йиллик планига қўшимча равишда 1000 тонна сут топширишга сўз бердилар.

Комплекс ходимлари сигирлар маҳсулдорлигини муттасил ошириб бормоқдалар. Улар 1981 йилда ҳар бир сигирдан 4119 литрдан сут соғиб олган бўлсалар, ўтган йили бу кўрсаткични 4509 литрга етказдилар. Энг яхши соғувчилар Тодор Тодоров ва Ангел Фидановлар эса сигирлардан 4735 литрдан сут соғиб олдилар.

(«Хасковска трибуна»дан).

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАБ

УЛАН-БАТОР, 27 август. (ТАСС). Монголиялик кинематографчилар яратган янги бадиий фильм «Эълон қилинмаган уруш муқаддимаси» деб аталади. Якшанба куни МХР пойтахтида ана шу фильм премьераси бўлди. Фильм совет ва монгол қўшинларининг Халхингол ва японларнинг милитаристлари устидан қозонган ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган. Янги лента Монголиянинг шарқий чегарасида бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади. Бу воқеалар Халхингол жангларидан олдин, Япония бир неча йил давомида ёш республика чегараларида қўпорувчилик ва игвогарлик ҳуружларини амалга ошириб, кескинликни авж олдирган пайтда содир бўлади. Ўз ватани мустақиллигини қаҳрамонона ҳимоя қилган монголиялик мард чегарачилар образи кинематографиячиларнинг диққат марказида турди.

Томошабинлар премьерани зўр қизиқиш билан кутиб олди.

ЮКСАК БАҲО

ТУНИС. Совет Иттифоқи исроиллик агрессорларга қарши курашаётган фаластинлик араб халқига ва бошқа араб халқларига бераётган сиёсий ҳамда иқтисодий ёрдамни араб мамлакатлари юқори баҳолайдилар, деди араб мамлакатлари уюшмаси бош секретарининг ўринбосари Аднан Омран. «АҚШнинг Яқин Шарқдаги сиёсати хусусида биз ҳеч қандай хомҳаёлга берилмаймиз», деди у «Реалите» журналининг мухбири билан суҳбатда.

Вашингтондаги ҳокимият тепасида қайси партия турмасин, АҚШ ҳамиша Исроил тарафида бўлаверади».

ДИКТАТУРА ЖАБР-ЗУЛМНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

БУЭНОС-АЙРЕС. Кейинги вақтларда Пиночетнинг ҳарбий фашистлар диктатураси оппозициядаги кучларга қарши, аввало коммунистларга қарши жабр-зулмни жуда кучайтириб юборди. Унинг мақсади халқ курашини бўғиб ташлашдан иборат, дейилади ғоят яширин шароитда иш кўраётган Чили Компартияси раҳбарларидан бирининг Сантьягода тарқатилган баёнотида.

Бу йил мамлакатда Компартия ўтказган миллий конференция Пиночет ва унинг охранкасини қутуртириб юборди, мазкур конференция эса диктатурага урилган стратегик, сиёсий ва маъмурий зарба бўлди.

(ТАСС).

САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШДИ

САН-ФРАНЦИСКО, 25 август. (ТАСС). АҚШнинг ғарбий соҳили яқинида енгил ва пассажир самолётлари осмонда тўқнашиб кетди. Хабар қилинишича, 17 киши ҳалок бўлган.



Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан қурилган Бхилайдаги комбинат Ҳиндистон қора металлургиясининг йирик корхонасидир. Мамлакатда қуйилаётган пўлатнинг тўртдан бир қисми бу корхона ҳиссасига тўғри келади. Комбинат ишга тушгандан бери бу ерда 40 миллион тонна пўлат қуйилди ва 33 миллион тоннадан кўпроқ прокат олинди. Ҳозирги пайтда бу ерда энг арзон ва сифатли маҳсулот олинади. Суратда: комбинатнинг прокат цехида.

А. ЧУМИЧЕВ фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

«МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ-84»

НАТИЖА ЧАККИ ЭМАС

Оқ халатини ишчи коржомасига алмаштирган Тошкент давлат медицина институтининг стоматология факультети студентлари Тошкент шаҳрининг қурилиш объектларида меҳнат қилдилар. Улар — Юнусобод массивида қурилаётган 43- ва 52-болалар боғчаси, Сергели районидаги хореография билим юртини бунёд этиш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Дастлабки кунларданоқ бригадаларарО мусобақа ташкил этилди. Ҳар ҳафтада меҳнат беллашувига якун ясалиб борилди. Айниқса, студентлардан О. Назаров, О. Тошматов, С. Мустафоев, Э. Назаровлар ўзларининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан барчанинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

— Қурилиш отряди аъзолари 500 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришлари керак эди, — дейди штаб бошлиғи доцент Б. Яхёев. Улар бу маррани эгаллаб, энди қўшимча мажбурият ҳисобига меҳнат қиляптилар.

— Бунёдкорлар самарали меҳнатни маданий ҳордиқ чиқариш, турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказиш билан қўшиб, вақтларини янада мароқли ўтказдилар. Бир группа талабаларимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг уйларига бориб ремонт ишларини бажариб хайрли иш қилдилар.

Шунингдек, факультет студентлари меҳнат кунларидан учтасини зарбдор деб эълон қилдилар. Улардан тушган маблағни эса Гагарин шаҳри қурилишига ва Москвада ўтадиган студент ва ёшларнинг VII Бутуниттифоқ фестивали фондига, ривожланаётган мамлакатлар ёшлар союзига ёрдам фондига ўтказдилар.

З. НИЗОМОВ,
ТошМИ студенти.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДЎРМОНЛИК ГВАРДИЯЧИ КАПИТАН

МАШАҚҚАТЛИ, оловли йилларда эл-юрт бахт-саодати учун, тинч, фаровон ҳаётимиз учун курашган фидойи кишилар сафида дўрмонлик ҳамюртимиз Жўра Афзалов ҳам бор эди. У гарчи ўз жонини қурбон қилиб, мангулик сари йўл тутган бўлса-да, унинг хотираси Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози меҳнаткашларининг қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Қуйидаги лавҳа ана шу халқ фарзандининг ҳаёти ва жанговар фаолиятидан бир шингил, холос.

КОМСОМОЛ ячейкаси котиби қаршисидаги оқ-сариқдан келган, лўппи юзлари тарам-тарам ёрилган, юпунгина кийинган йигитчага узоқ тикилиб қолди.

— Демак, қароринг қатъий, — деди у бир оздан сўнг қаддини ростлаб. — Бойлардан ўч олмоқчисан. Лекин, ука, очиғини айтсам, сен ҳали жанг қилишга ёшсан. Яхшиси, новвойлик касбингни давом эттирсанг бўларди. Сен бўлмасанг ҳам революцияни ҳимоя қиладиганлар кўп.

— Йўқ! — йигитчанинг кескин эътирозидан котиб бирдан ҳушёр тортди. Охирги гапни ноўрин айтганини сезиб сукут сақлаб қолди. Бироқ энди Жўра ҳам дилида кечаётган фикрларни тилига чиқаришдан ўзини тия олмади. — Мен сизнинг олдингизга нажот сўраб келганим йўқ. Қизил аскарлар сафига қабул қилинишимга ёрдам беришингизни сўраб келганман. Ахир...

Йигитча бирдан бўшашди. Кўзида халқаланган ёшни яшириб ўтирмай тутила-тутила сўзида давом этди.

— Ахир мен ҳатто отаонамни ҳам дуруст эслай олмайман. Улар олмафуруш бойнинг хизматини қилиб, бир умр косалари оқармаган. Азоб-уқубатлар туфайли хасталикка дучор бўлиб, ғўдаклигимдаёқ қазо қилиб кетишган. Ўзим эса 9 ёшимдан бошлаб ўша бойникида югурдаклик қилганман, барча жабр-зулмни кўрганман. Яна қанақасига ёш бўлай...

Оғир ўйга толган комсомол ячейкаси котиби беихтиёр ўрнидан туриб, Жўранинг олдига борди.

— Кечирасан, ука, — деди қўлини елкасига оҳиста қўйиб, — шунчалар дарду аламинг борлигини билмаган эканман. Майли аризангни ячейка йиғилишида муҳокама қиламиз.

Орадан бир неча кун ўтгач, Жўра кўнгилли ёшлардан тузилган биринчи отлиқ полк сафига қабул қилинди. Шу тариқа аламзада йигитчанинг ҳақиқий жанговар фаолияти бошланди.

Жўра Афзалов қадрдон полки сафида Бухоро ва Самарқанд шаҳар ва қишлоқларини босмачи галаларидан тозалашда фаол иштирок этди. Ҳар бир жангда ўз жасурлиги билан сафдошларини мардликка, жасоратга ундади. Шу боисдан ҳам қўмондонлик унга ишонч билдириб, разведкага йўллар, қалтис вазиятларда энг муҳим топшириқларни бажаришни унинг зиммасига юкларди.

Жўрадаги вазиятни аниқ ҳисобга ола билиш, зийраклик, тетиклик, қийин шароитларда ҳарбий ҳийлалар ўйлаб топа олиш қобилияти мужассамлигига қатъий ишонч ҳосил қилган полк командири Якушиннинг тавсияси билан у ҳарбий офицерлар мактабига ўқишга юборилди. Жанговар билимни мукаммал ўрганиб қайтган ёш офицер ўз ихтиёридаги взвод билан яна босмачи ва қулоқларни тутатишда қатнаша бошлади.

1927 йилда ўзбек офицерининг ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллиги муносабати билан Москвада Қизил майдонда ўтказилган ҳарбий парадда қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Ўз взводининг ҳар томонлама пухта жанговар тайёргарликкга эга эканлигини тўла намойиш эта олгани учун маршал С. Будённий томонидан пўлат шамшир билан тақдирланди.

Жўра Афзаловнинг коллективлаштириш ва индустриалаштириш йилларидаги ҳаёти ҳам Ватанни ҳимоя қилиш намунаси бўлиб қолди. Бу даврда у отлиқ аскарларга ҳарбий таълим бериш, миллий отрядларни тузиш билан шуғулланди. Кўнгилли ОСОВИАХИМ жамиятини ташкил этиш ишларига бошчилик қилди.

Ногаҳон бошланган Улуғ Ватан уруши Жўра Афзаловни яна фронтнинг олдинги сафларида бўлишга мажбур этди. У Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрини ва қардош Украина ерларини ҳимоя қилишга киришди. Бутун умри жангу-жадалларда ўтган гвардиячи капитаннинг жасорати яна тилларга тушди. Ўша йилларда фронт газеталарида ва республика матбуотида чоп этилган лавҳалар ҳам бундан гувоҳлик беради.

Ватан ҳимояси учун ўз ҳаётини бахшида этган эл фарзандларининг жасоратлари ҳеч қачон сўнмайди. Жўра Афзаловнинг жасоратлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. У Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени ва бир қанча жанговар медаллар билан тақдирланди. Олий бош қўмондонликнинг ташаккурномаларига сазовор бўлди.

Аммо 1943 йил 15 сентябрида Полтава областидаги Ново-Ивановка қишлоғида бўлган қонли жанг жасур ҳамюртимизнинг ҳаётига сўнгги нуқта қўйди. Жанговар вазифасини бажараётган пайтда оғир яраланган Жўра Афзалов қайта кўз очмади. Сўнгги дақиқаларда ҳам қўлида қурол билан жон берди.

...Тутқич бермас тизгинсиз йилларнинг қирқтаси бир-бирини қувалашиб ўтди. Бир вақтлар ажал майдонига айланган қирадирларда энди шабадада майсалар майин тебраниб ўсмоқда, дамо-дам ўқлар визиллаб учган, вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларда энди тинч меҳнат таронаси янграмоқда. Аммо халқ ўша оғир кунларни унутгани йўқ. Ҳар баҳор қишлоқ четида жойлашган биродарлик қабристонига қўпни кўрган кексалар, жангу-жадалларнинг гувоҳи бўлган ветеранлар, орзу-умидли ёшлар тўпланишади. Бахтимиз учун курашганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулдасталар қўйишади, уларнинг хотираси ҳурмати бир зум бош эгиб, сукут сақлашади.

Дўрмонликлар ҳам ўз ҳамқишлоқларининг жасоратларини фахр билан тилга олишади. Йиллар оша бу ҳақда ёш авлодларга гоҳида қувониб, гоҳида ўйга толиб ҳикоя қилиб берадилар. Зеро, халқ бахт-саодати йўлида жонини фидо қилганлар ҳеч қачон унутилмайдилар.

С. АСҚАРОВ,
педагогика фанлари кандидати, доцент.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

СУРАТГА ОЛИШ ЯКУНЛАНДИ

Таниқли кинорежиссёр, СССР халқ артисти Шуҳрат Аббосов инқилоб куйчиси, маърифатпарвар шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаётига бағишлаб ишлаётган «Оловли йўллар» телеэпопеясининг сўнгги «Туркистон аланга ичида» деб номланувчи туркум фильмларни суратга олиш ишларини ниҳоясига етказди.

Мазкур эпопеянинг телевидение орқали намойиш этилган олдинги «Революция куйчиси» циклидаги фильмлари кино санъати мухлисларига манзур бўлган эди. Картина Туркистонда социалистик революциянинг ғалабаси билан тугаганди.

Томошабинлар фильмнинг эндиги серияларида инқилоб куйчиси Ҳамза қаламига мансуб «Бой ила хизматчи» пьесасининг биринчи постановкасини кўришга муяссар бўлишади. Шунингдек, унда маърифатпарвар шоир ҳаётининг сўнгги даври, янги адабиёт ва маданиятни шакллантириш йўлида олиб борган ишлари билан бирга Ҳамзанинг аксилинқилобчиларга қарши фаол кураши акс эттирилади.

«Туркистон аланга ичида» фильмларида Ҳамза Занкий, шайх Исмоил билан бир қаторда Содиқбой, Жамол, Умид, Юлдуз, Олчинбек сингари аввалги серия-лардаги қаҳрамонлар яна иштирок этадилар. Шунингдек, томошабинлар бу картиналарда — М. Фрунзе (Е. Саитов), Д. Фурманов (Л. Пригунов), Бухоро амири (Р. Балаев), Саодат (Н. Аллаева) каби янги қаҳрамонлар билан танишадилар.

К. Яшин, Б. Привалов ва Ш. Аббосов сценарийси асосида яратилган мазкур фильм устида оператор А. Исмоилов, рассом А. Шибаев, композитор Р. Вильдановлар ҳам самарали иш олиб боришди. Картина эпизодлари Бўстонлиқнинг Сижжак, Хўжакент қишлоқлари, Самарқанд ва Тошкентда суратга олинди.

А. ЕТМИШБОЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсаль (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь, механик, йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

Ҳамма ихтисослар бўйича ўқиш муддати 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача балли 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 процента берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари доимо ишлайди.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит — қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар-жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат, таржиман ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар-жойларидан прописка дан ўтишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

Ф. Ҳўжаев номли 1-пойабзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойабзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби, бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни ҳоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲАЛҚ ҲЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган бу йилда республика Бош кўргазмаси коллективи барча соҳалардаги ютуқлар ва муваффақиятлар ҳақида кенг қамровли ҳикоя қилмоқда.

Ўзбекистонда қурилиш ишларининг бугунги суръати, жорий этилаётган янги илғор усуллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, бунёдкорлар ҳақидаги маълумотлар кўргазманинг «Капитал қурилиш» павильонида ўз аксини топган.

Республика қурилиш тараққиётини экспозициялардагина эмас, кўргазма территориясида олиб борилаётган ишларда ҳам тасаввур этса бўлади. Реконструкция қилинган ва ташқи томонга ўзгача жило берилган Бош павильон, Иттифоқимизда ягона кўринишга эга бўлган пахтачилик павильони, замонавий типда қад кўтараётган ирригация-мелиорация павильонлари, ёзги кинотеатр ҳамда 375 метр баландликка бўй чўзган Тошкент телеминораси қурувчиларимизнинг бугунги ютуқларини кўз-кўз қилиб турибди.

1976—1983 йиллар мобайнида 400 дан ортиқ саноат бирлашмаларининг филиал ва бўлимлари, корхоналарнинг қурилишлари тугалланди. Шуниси диққатга сазоворки, бу корхоналар хомашё тайёрланадиган базалар яқинида қурилиб, транспорт учун сарфланадиган харажат миқдори бир неча баробар қисқартирилди.

Кўргазмада бригада пудрати, хўжалик шартномаси асосида меҳнат қилаётган коллективларнинг иш тажрибасига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Ўтган йили хўжалик шартномаси асосида 22 минг меҳнат коллективи, 265 минг ишчини ўзига бирлаштирган 5 мингдан ортиқ пудратчи бригада меҳнат қилди. Улар 1 миллион 265 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бунда бунёдкорларга янги ишлаб чиқариш техникаси қўл келди.

Павильон марказида Тошкентнинг 1990 йилгача мўлжалланган перспектив плани макети жойлаштирилган. Шаҳримизнинг турар-жой массивлари, кенг ва озода кўчалари, боғ-роғлар, саноат корхоналари, спорт комплекслари, хуллас ҳамма-ҳамма-си кишиларимиз эҳтиёжи учун бунёд этилади. Шунингдек, экспозицияда шаҳар ва қишлоқларимиз ҳусни ҳуси қўшаётган биноларнинг лойиҳасини яратаётган архитектор ва инженерлар меҳнати ҳам ўз акси топган. Ўзбекистондаги юздан ортиқ лойиҳалаш институтларида сервиқор, ҳашаматли, миллий услубда тайёрланган лойиҳалар фотосуратларда акс эттирилган.

Кўргазмада шунингдек, меҳнатда илғор қурувчилар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Булар — республикада хизмат кўрсатган қурувчи Л. Каримов, 12-қурилиш трестининг 149-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофотининг лауреати Т. Самиғов, 159-қурилиш трестининг 61-бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи Р. Ғайнуллинлардир.

Қ. ЭРДОНОВ.

Кўргазмага қўйилган миллий палов сервизи мутахассисларда, томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Сервиз 16 буюмдан иборат бўлиб, турли нақшлар солиниб, ҳар хил расмлар туширилган. Лаган, ликопчалар, пиёлалардан тортиб, палов тайёрлашда керак бўладиган туздон-у қошиқ, капкирларгача бор. Улар зўр санъаткорлик билан яратилган бўлиб, киши диққатини тортади. Бу каби буюмларни тайёрлашда кулолчи сифатида катта тажриба ва маҳорат талаб этилган бўлса, рассом сифатида санъаткорлик кўрсатилган. Тўғри танланган бўёқлар ундаги нафислик, гўзаллик кишини ҳайратга солади.

Бу уста санъаткор М. Раҳимовнинг асаридир. Бу иш 1960 йил ер юзининг 50 мамлакатга қатнашган Монреалда бўлган халқаро амалий санъат кўргазмасида юқори баҳо олиб, Ўзбекистон миллий кулолчилик санъати тарихида ўчмас из қолдирди.

ЛОЙГА ЖОН КИРГИЗАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ М. РАҲИМОВНИНГ ИЖОДИЙ ҲИСОБОТИ

Бугун республика бадиий фондининг кўргазмалар залида Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ҳамза номли республика мукофотининг лауреати, санъатшунослик кандидати Муҳиддин Раҳимовнинг кулолчилик санъатида яратган асарлари қўйилган кўргазмаси очилади. Кўргазмага 300 га яқин асарлар танлаб олинган. Уларнинг бир қисми археологлар томонидан топилган қадимги кўза, кулдон, вазалар асосида яратилган.

М. Раҳимов мамлакатимиз ва республикамиз ҳаётидаги барча шонли саналар, байрамларга актив қатнашиб келади. У юбилейлар муносабати билан ўзбек адабиёти намояндаларининг қатор галереясини ишлаган. Тошкентнинг 2 минг йиллиги, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейлари муносабати билан қизиқарли кулолчилик маҳсулотлари намуналарини яратди.

У Самарқандаги Тилла-Қори, Шердор ва Ғўри Амир каби маданий ёдгорликларимизни тиклашда иштирок этган.

М. Раҳимов ўз ишлари билан қатор халқаро, Бутуниттифоқ кўргазмаларида қатнашган. Асарлари Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейи, Ленинграддаги СССР халқлари давлат этнографик музейи, Тошкентдаги бир қатор музейларнинг кўргазма залларини безаб турибди.

Рассом туғилган кунининг 80 йиллиги ҳамда ижодий фаолиятининг 60 йиллиги муносабати билан очилган кўргазма томошабинларда яхши таассурот қолдириши, табиий.

А. ҒУЛОМОВ.

Суратда: «Оловли йўллар» фильмидан кадр.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН КОНЦЕРТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва республика Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейга тобора яқинлашмоқда. Бу улкан шодиёна арафасида Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбекистон ССР Давлат филармониясининг бадиий коллективлари бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

— Коллективимиз шонли юбилейга пухта тайёргарлик кўрмоқда,— дейди филармония директори О. Қ. Расулов.— Ана шу қутлуғ санага бағишланган тадбирлардан бири республикамиз областларида ўтказилаётган назм ва наво кечаларидир. Бундай мароқли кечалар ҳар бир областнинг шаҳар ва қишлоқларида ташкил қилиниб, уларда таниқли коллективлар билан бирга республикамизнинг санъат усталари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, ҳозиргача бундай учрашувлар Бухоро областида зўр муваффақият билан ўтди. Бу концертларда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов раҳбарлигидаги вокал-хореографик «Лазги» ансамблининг санъатқорлари ва моҳир сўз усталари ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Куни кеча эса Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир Мўминов бошчилигидаги «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли Наманган областининг шаҳар ва қишлоқларида концерт кўрсатиш учун жўнаб кетди. Бу коллектив санъатқорлари 6 сентябрга қадар меҳнаткашлар хизматида бўладилар. Шунингдек, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон ССР халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги симфоник оркестр Фарғона водийси бўйлаб ижодий сафар қилади. Оркестр санъатқорлари қишлоқ меҳнаткашлари, ишчилар ва зиёлилар ҳузурида республикамизнинг қутлуғ тўйига бағишланган махсус концерт программаларини намойиш этадилар.

Р. ҒАНИЕВ.

БИР ҚИЗАЛОҚ ВА УЧ ХАЛОСКОР

Носировлар оиласи Сижжакка дам олгани келишди. Оила бошлиғи Тошкент тўқимачилик институти кафедраси мудири Амирсаид Носировнинг ўғли Вазира опа қизи Динара билан Чорвоққа чўмилгани отланишди. Динара ўн беш ёшда. 7-синф ўқувчиси. Ҳар куни денгизда мириқиб чўмилади. Динара сузиб кетди. Вазира опа эса офтобда исинганча қизининг кенг қулоч отишига завқланиб боқади.

— Ҳай, узоққа кетма, тағин!

Онанинг кўнгли болада, боланики эса далада, дейдилар. Вазиранинг юраги бироз безовта бўлди. Шўнғиб ўйин қилаяптими ёки...?

Динаранинг боши сувдан қалқиб чиқди.

— Қутқаринг!

— Ойи!

Унинг боши кўринмай кетди. Вазира опа нима қиларини билмай қолди.

— Ҳой, ким бор! Ёрдам беринглар!

Бир чеккада дам олаётган бир йигит ўзини сувга отди. Вазира қизи томон сузаётган йигитни кўрса-да, ҳаяжони босилмади.

— Қизим чўкаяпти! Ёрдам қилинглар!..

Йигит қизчага яқинлашди-ю, бироқ...

Энди йигит ҳам чўка бошлади. Вазира сув бетида дам кўриниб, дам ғойиб бўлаётган қизи ва унга ёрдам учун ошиққан йигитдан кўзини узмай ҳамон қиргоқ бўйлаб югурар ва ёрдамга чақирар эди.

Шу пайт яқин орада бир аёл ва йигитча пайдо бўлди. Йигитча фурсатни бой бермай ўзини сувга отди.

— Улуғбек, эҳтиёт бўл!

Бу она — Саодат опанинг товуши.

ОҚИБАТ

— Эҳтиёт бўл, ўғлим!

Унинг товуши Вазиранинг ноласига қўшилиб кетди.

Икки она Улуғбекнинг Динара ва чўкаётган йигит томон тобора яқинлашувини ҳаяжон ва қўрқув ила кузатишарди. Мана у Динарани сочидан ушлаб олга суза бошлади. Улуғбек ҳам ўша ердан қимирлай олмай қолди. Икки йигит ва бир қиз ҳаёт-мамот учун сув ўрамаси билан кураша бошлашди. Саодат опа чидай олмай, ўзини сувга ташлади.

Саодат опа яхши сузувчи эмас. Аммо оналик қалби ва сезгиси билан нажотга шошилди. Арганчига қил қувват. Энди денгиз билан она ҳам олиша бошлади. Сув балоси она иродаси ва қалби кучидан енгилди. Саодат ўғли Улуғбек, Динара ва нотаниш йигит билан қиргоққа чиқди.

Динара анча вақт ўзига келмади. Икки шифокор она, Вазира ва Саодат агар яна бир неча дақиқа кечикилса фалокат бўлар экан, деган хулоса чиқаришди. Биринчи бўлиб кўмакка шошилган бояги йигит — Ҳусанжон Оллоохунов дастлаб фалокатнинг олдини олди. Улуғбек Рустамов эса ҳаёти хавф остида қолган Динара ва Ҳусанжонга ёрдамга шошилди.

Бу уч ҳаласкор ким?!

Ҳусанжон Оллоохунов — мева-сабзавот тайёрлаш министрлигига қарашли дам олиш зонасида қурувчи.

Улуғбек Рустамов — Тошкентдаги 165-мактаб 10-синф ўқувчисидир. Онаси Саодат Далабоева эса ТашРЭЭ медико-санитария қисми лабораторияси мудири.

Улар киши кишига дўст, биродар жамиятида яшашади. Зотан турмушимиз тарзи уларни жасоратга ҳозиржавоб қилган.

Ҳ. СОДИҚОВ.

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1985 ЙИЛ ҮЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газетанинг обуна баҳоси:
бир йилга—6 сўм 60 тийин,
олти ойга — 3 сўм 30 тийин.

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетани ҳар куни ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишни унутманг.

Спорт

«ДРУЖБА-84» МУСОБАҚАЛАРИДА

● ГИМНАСТИКА. Гимнастика бўйича СССР терма командаси олтин медалга сазовор бўлди. Уларнинг орасида халқаро учрашувларда танилган, совет спортининг юлдузлари Т. Фролова, Н. Ильенко, Н. Юрченко, Ю. Мостепанова, Е. Шушуновалар билан бир қаторда тошкентлик ёш истеъдодли гимнастикачи Ирина Бараксанова ҳам бор.

● БОКС. Озодлик ороли-нинг маркази — Гаванада бокс мусобақаларига якун ясалди. Финал ўйинларида 12 кубалик, олти совет спортчиси иштирок этди. 11 та вазнда Озодлик ороли вакиллари олтин медалларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Совет спортчиларидан вазн тоифалари бўйича К. Абдураҳмонов (48 кг), Ю. Александров (54 кг), С. Нурказов (57 кг), В. Яновский (63,5 кг), В. Шин (81 кг), В. Абаджинлар (91 кг дан ортиқ) кумуш, С. Қўноқбоев, А. Ягубкинлар бронза медали эгаси бўлдилар.

● СУЗИШ. Сузувчиларнинг тўртинчи кунги мусобақаларида битта олтин, иккита Европа ва 8 миллий рекордлар ўрнатилди. Айниқса, 100 метрга брасс усулида сузишда юксак кўрсаткичларга эришилди. Ҳамюртимиз Лариса Белоконь 1.09,63 секунд билан Лос-Анжелесдаги олимпиада ғолибларининг натижаларидан ҳам ўтиб кетди. У бронза медали соҳиби бўлди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТВ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Мультфильм. 9.55 — Воркута шаҳар камер оркестри чалади. 10.25 — Илмий-оммабоп фильм. 10.45 — «Шахсий ҳаёт». Бадиий фильм. 12.25 — Концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.35 — «Рассом Б. Пророков ижоди». 16.05 — «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». 16.35 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 17.05 — «Инсон — замин соҳиби». 18.05 — Тележурнал. 18.35 — Халқаро дўстлик мусобақаларида. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Ёзувчи ва ҳаёт». 20.25 — «Водий». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Мангу даъват». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10—«Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.30 — «Шахмат мактаби». 10.00 — Мультфильмлар. 11.30 — «Оқ қуш сузиб боради». 11.50 — Концерт. 12.20 — «Мардлик сабоқлари». 12.50 — Ҳужжатли фильмлар. 13.30 — Француз тили. 14.00— «Бўрилар орасида ёлғиз». Бадиий фильм. 2-серия. 15.10 — Концерт. 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.35 — Халқаро Дўстлик мусобақаларида. 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 — «Ҳужжатли экран». 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати.

ЎзТВ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Болалар учун фильм. 11.00 — Телефильм. 11.15 — «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 12.30 — «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз». 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Қизиқарли учрашувлар». 18.45 — «Сифат учун рецензия». 19.15—«Ахборот». 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Йиғим-теримга ҳамма нарса шаймми?». 22.25 — Доғистонда Қорақалпоғистон маданияти кунларининг тантанали очилиши ва концерт.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.10—МТ-II. 18.35 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Текширилди, миналар йўқ». Бадиий фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20—«Музикали сайр». 20.50 — Телефильм. 21.00 — «Қизиқувчилар экрани». 21.30—МТ-II.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VIII да **Юлдузли тунлар**, 29/VIII да **Баланд қоядаги аёллар** (19.30), 30/VIII да **Парвона** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 29/VIII да **«Интерцирк-84» чет эл цирк артистларининг гастроллари** (19.30).

Р. 20049 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1769. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12